Муштарийлар илтимосига кўра

# Муҳаммад ЮСУФ: «ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛДОШЛАРИ БЎЛСИН»

«Ҳурматли муҳарририят! Илтимос, истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф билан «Оқшом»да суҳбат уюштирсангиз. Уйлаймизки ижоддаги илк қадамини «Тошкент оқшоми» дан бошлаган шоир ижоди билан кўпчилик муштарийлар қизиқишади.

Салом билан, Қ. БОМУРЗАЕВ ва М. ГУЗАРОВ, Самарқанд вилояти».



**Шеърият ихлосмандлари бу ижодкорнинг ҳар бир шеърини орзиқиб кутишади, санъат мухлислари қўшиқларини севиб тинглашади. Ҳа, машаққатли ижод уни халққа танитди, таниқли шоирлар қаторига киритди. Элнинг назарига тушиш эса ижодкор учун энг катта бахт.**

**Айтмоқчи, Муҳаммад Юсуф номи Ленин комсомоли мукофоти совриндорлигига номзодлар рўйхатига киритилган.**

**— Муҳаммаджон ака, ижодингиз халққа манзур шоирлардансиз. Кўпгина шеърларингиз қўшиқ қилиб айтилди, уни санъат ихлосмандлари илиқ кутиб олишди. Айтингчи, қўшиқ бўлган биринчи шеърингиз қайси бири эди, унинг тарихи қандай кечган?**

— Қўшиқ бўлган биринчи шеърим «Самарқандга борсам мен агар» деб бошланади. Унинг қўшиқ бўлиши сира хаёлимга келмаган. У «Ёшлик» ойномасида босилиб чиққач, таниқли хонанда, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов қўшиқ қилган экан. Магнит лентасига ёзиб олиб келиб қолди. Биргалашиб эшитдик. Лекин қўшиқ ярим йилча эшиттиришга қўйилмай ётди. Кимгадир оғир туюлибди. Улуғбек ҳақидаги қўшиқ оғир бўлмай қанақа бўлсин, ахир!

**— Баъзи мухлисларингиз таъбирича қўшиқчи шоирлар қаторидан ўрин олдингиз...**

— Юқорида айтганимдай, баъзи шеърларим қўшиқ бўлади, деб ўйламовдим. Мен қўшиқчи шоир эмасман. Агар менинг шеърларимдан яралган қўшиқлар ҳақиқатан ҳам элга манзур бўлаётган бўлса, демак, яхши қўшиқ яратиш учун хонанда санъат доирасидан маълум даражада чиқиши керак экан. Умуман, «қўшиқчи шоир» деган жумла менга қандайдир эриш туюлади, ҳар қандай қўшиқ матни авваламбор эркин ҳолда шеър бўлиши керак, шеърият талабларини ўрнига қўйиши керак. Чунки шеърият билан қўшиқчилик санъати орасида барибир қандайдир чегара бор. Нима учун бизда яхши қўшиқлар кам? Чунки аксарият ҳолларда маълум оҳанг учун «қўшиқ» ёзишади. Бундай «қўшиқ»лар шеъриятни четлаб ўтиб, санъат дунёсига кириб кетаверадилар, одамлар эса тинглашга мажбур бўлишади.

**— Сизнинг ижодингиздан олиб куйланган қўшиқларнинг барчасидан ҳам кўнглингиз тўлганми? Шеърни (умуман шеъриятни) тушунадиган санъаткор деганда кимларни тушунасиз?**

— Ҳозирги пайтга қадар қирқдан ортиқ шеърим қўшиқ бўлган экан, шулардан бирортаси ўзимга маъқул бўлганини айтолмайман. Ёшлардан Ғ. Бойтоев, М. Холиқов, О. Мадалиев, Н. Ҳайдаровлар шеърларимни қўшиқ қилишган. Шеърни тушунадиган санъаткор деб Фахриддин Умаров, Ҳасан Ражабий ҳамда Шерали Жўраевни айта оламан.

**— Сўнгги пайтларда ўзбек шеъриятига янги номлар кириб келди. Кўплари ўз истеъдодлари билан адабий жамоатчилик эътиборини қозонишди. Лекин бир авлод ижодкорлари билан бошқа авлод ижодкорлари бир-биридан доим фарқ қилади. Энг ёш авлод вакилларидаги қайси хислатлар сизга кўпроқ ёқади?**

— Самимийлик! Самимийлик йўқдай туюлади ҳозирги энг ёш авлодда. Китобийлик бор. Соддалик етишмайди. Оддий гапни ҳам минг чиғириқдан ўтказиб айтилганига дуч келасан гоҳо. Билим борлиги сезилиб туради, лекин ижодларида кўпинча Оврупа адабиётининг нафаси кезиб юради, миллийлик йўқ. Лекин Г. Муродалиева, Х. Аҳмедова ижодига ижобий қарайман.

**— Бугунги кунда ижодкор позицияси қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

— Ҳозирги кунда ҳар ким ўз ишини қилиши керак, деб ўйлайман. Атрофда бўлаётган воқеаларга ижодий ёндошиш лозим. Юлдузлар, гулларни тинч қўйиш керак. Шу пайтгача фақат китоб ўқиб шоир бўлган одамни учратмадим. Балки ҳаётни билиш, сафарларга чиқиш керак. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларга ҳавас қиламан. Биз ёшлар манманмиз, катталарни писанд қилмаймиз.

**— Бир пайтлар «Тошкент оқшоми»да ҳам ишлагансиз. Озми-кўпми сизнинг ҳам «Оқшом»га меҳнатингиз сингган. У қай жиҳатлари билан сиз учун қадрли?**

— «Тошкент оқшоми» рўзномаси ва унинг ходимларидан миннатдорман, албатта. Ундаги тўрт йиллик фаолиятимни худди тушдай эсласам ҳам ундан менга катта ижодий тажриба қолди. Шоирлигимга таъсири бўлган, десам хато бўлмайди.

**— «Оқшом»да яна қандай материаллар берилишини истардингиз?**

— Аввало шуни айтмоқчиманки, рўзномада бериладиган материаллар қисқа бўлиши керак. Авваллари «Луқма» деб аталувчи рукун бўларди. Ана шу «луқма»ни тиклаш лозим. Чунки шаҳар кенгайган сари унинг камчиликлари ҳам ортиб бораяпти. Умуман, «Оқшом» саҳифаларида мен кўришни истаган материаллар анчагина.

**— Илгари мухлисларингиз «Кўнглимда бир ёр...» қўшиғининг яратилиши ҳақида қизиқишарди. Энди «Туркман қизга уйланаман»нинг сабабини суриштиришяпти.**

— Умуман, жуда кўп суриштиришади. Лекин буни айтиб беришга арзийдиган ҳеч қандай қизиқарли тарихи йўқ. Туркман қизлари эса ҳар доим ҳар ерда узун куйлак, товонга етган сочлари билан юришлари ҳаммага маълум-ку! Уларнинг бошдан оёққача туркманча либосда юришлари миллий урф-одатларга ҳурмат бўлибгина қолмай, балки иссиқ иқлимни ҳисобга олинган ҳолда ўзига хос гигиена вазифасини ҳам ўтаркан. Лекин, сиз мени тўғри тушунинг, менда ҳеч қачон туркман қизига уйланиш нияти бўлмаган, уйланолмайман ҳам. Чунки уларда бериладиган ўттиз минг сўм қалин пули қайда дейсиз.

**— «Оқшом» муштарийларига тилакларингиз?**

— Оқибатли бўлишсин бир-бирларига. Тошкентга ким яхши ният билан кириб келган бўлса Тошкент ҳам унга оқибат кўрсатади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Оқшомхонларни янги ижодингиздан баҳраманд этишингизни илтимос қилардим.**

— Марҳамат!

**Шоир билан Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

## ЮЗИНГНИ БИР КЎРМАДИМ

**Менинг севгим, мен билмадим менинг севгим,
Кўзинг шаҳломиди сенинг, хумормиди,
Эртакдаги Лайли сендек дилдормиди,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим!..
Гоҳ гул бўлиб яшнади дил, гоҳ сўлди дил,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳо ўзи қон бўлди дил,
Томоғимда чирқираган жон бўлди дил,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.
Орзу бўлиб ёқдинг—излаб тополмадим,
Оҳу бўлиб қочдинг — қувлаб етолмадим,
Бир бор кўриб, бир ширин сўз айтолмадим,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.
Сени фақат олислардан аллаладим,
Эркаласам хаёлимда эркаладим,
Сочларингни тушларимда сийпаладим,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.
Соч оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,
Армондаги, тилакдаги шу бир чўғ деб,
Йигит умрим йиғлар бўлди севги йўқ деб!..
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.
Ана, ажал остонамда турар бўйлаб,
Фариштлар чорлар мени ўлан сўйлаб,
Жаннатда ҳам зерикарман сени ўйлаб,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.**

**Муҳаммад ЮСУФ.**



Курашда енгдинг, болакай.

## ҲАЗРАТ НАВОИЙ ҲАҚИДА

Мир Алишер тўрт ёшидаёқ ўткир қобилиятини намоён қила бошлаган. Ўн-ўн бир ёшларида тўрт-беш мингдан иборат бўлган Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ-уттайир», («Қуш тили») достонини мустақил ўрганиб, ёддан ўқий олди.

14—15 ёшидаги Алишернинг машҳур байтини билсангиз керак. Тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, унинг:

**Оразинг ёпқач, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,**
**Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш.**

матлабли ғазални тинглагач, Мавлоно Лутфийни қатъий ҳаяжонлантирган ва: «Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн, ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим...» деган.

Алишер Навоий жуда катта бой лирик хазина яратиб қолдирди. Бу хазинанинг асосини 45 минг мисрага яқин ўзбек тилидаги шеърларни ўз ичига олган «Хазоин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») куллиёти ташкил этади. Куллиёт 4 девондан иборат бўлиб, «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари») 10847 мисра, 740 шеър.

«Наводир уш-шабоб»» («Йигитлик нодирликлари») 10847 мисра, 759 шеър.

«Бадое ул-васот» («Ўрта ёшлик гўзалликлари») 10840 мисра, 740 шеър.

«Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») 11776 мисра, 793 шеър.

«Хамса» — эпопея. Шарқ халқлари адабиётининг буюк ёдгорлиги «Хамса» («Бешлик») Навоий ижодининг энг юксак чўққисидир. У «Хамса»ни туркий (эски ўзбек) тилида яратди. Навоий «Хамса»сини ташкил этувчи беш достон қуйидагилардир:

«Ҳайратул-аброр», 3988 байт.
«Фарҳод ва Ширин», 5782 байт.
«Лайли ва Мажнун», 3622 байт.
«Сабъаи Сайёр», 5808 байт.
«Садди Искандарий», 7215 байт.

Навоий «Хамса»сида жами 25615 байт ёки 51.230 мисра шеър бор. Навоий бу эпопеяни 1483—1485 йилларда ёзиб тугаллаган.

1985 йилда «Хамса»нинг 500 йиллиги нишонланди.

Тарихий адабий манбаларда Навоий тахаллусли 11 нафар шоирнинг номи зикр этилган. Шуниси диққатга сазоворки, манбаларда устоз Навоийдан олдин шундай тахаллусли шоирлар бўлганлиги қайд қилинмайди. Демак, мазкур шоирлар Алишер Навоий даҳосининг оламшумул шуҳрати таъсирида шу тахаллусни қабул қилган.

Навоийнинг форс-тожик шеърларида қўллаган иккинчи тахаллусида (Фоний) 24 шоир ижод этганлиги маълум. (Навоий Нишопурий, Навоий Шерозий, Пирзода Навоийлар шулар жумласидандир).

Тазкираларда номлари зикр этилган Навоий тахаллусли шоирларнинг барчаси форсийнавис. Алишер Навоий эса иккала тилда ҳам ижод қилган. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам Ўрта Осиёдан эмас. Бу тахаллусли ҳеч бир шоир ижоди Навоий даҳоси билан мусобақалаша оладиган даражага кўтарилган эмас. Мир Алишер Навоий — шу тахаллусда ижод қилган энг биринчи шоир, улуғ бобомиз, буюк мутафаккир.

**Анвар МИРЗАЕВ тайёрлаган.**

Энг, энг, энг...

# Шанба оқшомида

Машҳур кишилар ҳаётидан

## ТАРИХ ВА ТАСАВВУР

**БУЮК Дюмани бутун дунё билади. Унинг қаламига мансуб юзлаб китоблар барча дунё кутубхоналаридан жой олган. Ёзувчининг машҳур қаҳрамонлари «Уч мушкетёр» сифатида оламга танилган. Улар яъни, минглаб, миллионлаб кишиларнинг севимли сиймоларига айланган Атос, Портос, Арамис ва Д'Артаньян чиндан ҳам тарихий шахслармиди ё ижодкор тасаввури? Иккиси ҳам десак янглишмаймиз. Чунки француз ёзувчиси Дюма тарихий фактлардан жуда эркин фойдаланган ва ўзини вақт ва макон доирасида сира чекламаган. Уч мушкетёр намунаси бунинг ёрқин далилидир.**

**Атоснинг ҳақиқий номи Арман де Селлек Д' Атос Д'Отевиле бўлиб у савдогар оиласида туғилган. Бу оила аъзолари қиролга кўрсатган алоҳида хизматлари учун кейинчалик дворянлик унвонини олишган. Атос чиндан ҳам Франция қироли Людовик XIII саройида мушкетёр бўлиб хизмат қилган. Кўпгина урушларда қатнашиб 1643 йили Париж шаҳрида вафот этган.**

**Портоснинг асли номи Исаак де Портедир. 1617 йили туғилган. Мушкетёрлар сафида хизмат қилган. Лекин у Дюма романида кўрсатилганидек Атос билан бирга бўлмаган. Чунки у Атоснинг ўлимидан кейин хизматга кирган.**

**Арамис асли Гаскониядан, офицер оиласидан. Ҳақиқий исми д'Арамис. Мушкетёр бўлган, 1650 йилда ўлган. Романда эса у д'Артаньяндан кейин ҳам яшайди.**

**Д'Артаньян — асли номи Шарм де Бас Д'Артаньян 1673 йил Голландия — Франция урушида ҳалок бўлган. Гасконийлик бу офицер чиндан ҳам жасур, лекин енгил табиат бўлган. У уйланган, сўнг ўтган 6 йил давомида бор-йўғи икки бор хотинини кўргани келган. Ғазабланган аёл норозилик исёни қилиб монастирга кетиб қолган.**

**Ҳа, биз биладиган, севиб ўқийдиган «Уч мушкетёр», «Йигирма йилдан сўнг», «Ўн йилдан кейин» трилогияси қаҳрамонлари аслида ўзга шароитда яшашган, табиатлари ҳам бошқача бўлган. Аммо ёзувчи тасаввури кучида жонланган бу уч қаҳрамон тарихий шахслардан буткул фарқ қилади.**

**«Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган машҳур шиор остида хизмат қилган, курашган, жафо чекиб вафо кўрмаган ва умрлари фожиали тугаган уч мушкетёр сиймоси китобхонларнинг қалбларидан мангу ўрин олгани бежиз эмас. Чунки Дюма улар сиймосида дўстлик, садоқат ва саховат каби умумбашарий, умуминсоний сифатларни улуғлаган.**

**Шунинг учун ижодкор ҳам, қаҳрамонлари ҳам севимлидир. Ана шунинг учун ҳам Дюма доимо севиб ўқилади ва ўқийверилади. Айтишларича, Дюма ўлими олдидан ғаройиб туш кўрган. Баланд тоғда тошлар ўрнига китоблар ва улар устида танҳо ўзи турганмиш. Пастда эса одамлар унга интилармиш. Бу тушни эшитган ҳайкалтарош Дюма хотирасини абадийлаштириш учун худди ўша манзарани ясаган.**

**Ҳамдам СОДИҚОВ.**

## «БИЗ БЕШ ЁШГА ТЎЛДИК»

**БУНДАН БЕШ ЙИЛ муқаддам болалар опера-хор студиясига асос солинган эди.** Тошкентдаги 147-ўрта мактаб ҳузурида жўшқин фаолият кўрсатаётган мазкур студия шу давр мобайнида ҳар томонлама кенгайиб, ижодий сермаҳсул бўлиб қолди.

Бугунги кунда унинг саҳнасида «Ғоз-оққушлар», «Ўрмонда янграган қўшиқ», «Мультпарад», «Қуён — хат ташувчи» каби асарлар муваффақият билан кўрсатилмоқда. Шунингдек, саҳна юзини кўрган эртак-опералар ҳам завқ-шавқ билан томоша қилинмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, саҳнага олиб чиқилаётган ҳар бир спектакль билан боғлиқ деярли барча ижодий жараёнларни истеъдодли болаларнинг ўзлари бажармоқдалар. Мактабда олиб борилаётган тасвирий санъат дарсларида эса бўлажак постановкалар безаклари хомакилари устида иш олиб борилади. Шунингдек, опера қаҳрамонлари либослари намуналари моделлари ҳам ижодкор ўқувчилар томонидан тайёрланмоқда.

Болалар опера студиясида хор ижрочилик маҳоратини ошириш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Унинг самарали изланишлари яқинда муносиб тақдирланди. Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги қарори билан ижодий жамоага «Намунали болалар опера хори студияси» деган фахрли ном берилди.

Ташкил топганлигининг беш йиллиги муносабати билан ёш истеъдодлар «Биз беш ёшга тўлдик» деб аталган театрлашган томошани ўз мухлисларига тақдим этдилар.

**Акбар АЛИЕВ.**

## Бу—қизиқ

### РАД ЭТИЛГАН ИЛТИМОС

УСТАСИ фаранг овчиларнинг гапига қараганда, ҳозир кўчманчи қушлар ҳам анчагина айёр бўлиб қолган. Одатда, кузда Грециядан жанубга учадиган қушлар душанба куни йўлга чиқади.

Нега дейсизми? Чунки ҳафтанинг бу куни ов қилиш ман этилган. Шунинг учун овчилар уюшмаси ҳукуматга мурожаат этиб, душанба куни ов қилишга рухсат беришини сўради. Ҳукумат ҳам овчилар айёрлигини фаҳмлаб, бу илтимосни рад қилди.

### ДУНЁДА ЯГОНА

ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК бир ишқибоз ниҳоятда ажойиб мусиқа асбобини яратди. Дунёда ягона ҳисобланган бу скрипка етти минг дона... гугурт чўпидан тайёрланган. У ниҳоятда сеҳрли товушга эга.

### СУВСИЗ ВА ПАСТАСИЗ

АМЕРИКА Қўшма Штатларининг ҳарбий маҳкамаси сувсиз ва пастасиз ишлатиладиган тиш шчёткаси ясади. Узоқ вақт мобайнида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, янги тиш шчёткасидан фойдаланган солдатларнинг тиши оддий шчётка ишлатган солдатларнинг тишидан тозароқ, милклари эса унча-мунчага яллиғланмайдиган бўлади.

**Саодат ОДИЛОВА тайёрлаган.**





## УЧ СОАТ КУЛДИРИШДИ

**СЕВИМЛИ адибимиз Абдулла Қодирий асос солган «Муштум» ойномаси жумҳуриятимиздаги энг оммабоп нашрлардан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас албатта. Ойнома саҳифаларида ёритилаётган ранг-баранг мақолалар, ўрин олаётган ҳажвий суратлар долзарблиги билан ажралиб туради. Ичакузди ҳангомалар ва юморлар ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади. Бир сўз билан айтганда ойнома жамоаси «Муштум» кўзгусида кўринаётган нуқсонларни изчил, атрофлича ёритишга астойдил ҳаракат қилмоқда.**

**«Муштум» кулги усталарининг чиқишини соғиниб қолишган эканми, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидаги учрашувга кўплаб ихлосмандлар келишди. Кечада ҳажвчи ёзувчилардан Неъмат Аминов, Анвар Обиджон, Абдураззоқ Обрўев, Олим Қўчқорбеков, хонандалар Шерқўзи Ғозиев, Соат Шарипов, қизиқчилардан Эргаш Каримов, Болтабой Тошматов, Авазбек Толибжонов ва бошқалар томошабинларни уч соат давомида узлуксиз кулдиришди.**

**Шавкат САЪДИЕВ.**

СУРАТЛАРДА: кулги кечасидан лавҳалар.

Н. Муҳаммаджонов суратлари.

## Хоҳ ишонинг, хоҳ...

### КУРАКДА ТУРМАЙДИГАН МАШҚЛАР

АНГЛИЯДА 1979 йил 1 апрелда «Дэнджерс спортс клаб» клуби ташкил қилинган эди. Бу уюшманинг аъзолари «куракда турмайдиган» хатти-ҳаракат ва машқлари билан ажралиб туришади. Ана шу клуб ташкил қилинган куни мазкур уюшманинг асосчиси Дэвид Кирс баландлиги 80 метрча келадиган кўприкдан ўзини ташлаб... тирик қолди. Чунки у оддий восита — муҳофазаловчи омил-чўзмага боғланган экан. Аъзолардан бири маймун бичимида дельтапланда парвоз қилиб, парламент биноси устидан учиб ўтган бўлса, яна бири Швейцариядаги музлаб ётган тоғдан фортепиано устида сирғаниб тушган.

### КАМСИТИЛГАН ЭРКАКЛАР

МАНА 90 йилдан ошдики, Англияда «Ўз хотинлари томонидан камситилган эркаклар клуби» фаолият кўрсатмоқда. Нима қилсин, бояқиш эрлар дардларини клуб аъзолари билан баҳам кўрадилар. Биргина мисол, яқиндагина Йоркширда бўлиб ўтган камситилган эрлар съездида кўпсонли аъзолардан фақат 20 кишигина қатнашибди, холос. Клубнинг аксарият аъзолари бу катта анжуманга келолмаганликларининг сабаби қилиб хотинлари ижозат бермаганлигини телеграмма орқали билдирганлар.

### ИНДАМАСЛАР

ОДАТДА қайси бир клуб аъзолари бўлмасин, улар йиғилишганда у ёки бу ҳақда баҳслашишади, фикр алмашишади ёхуд бўлғуси тадбирлар юзасидан режа тузишади. Лондон шаҳрида эса «Индамаслар клуби» мавжуд. Мазкур уюшма аъзолари муттасил равишда йиғилишиб туришади, бироқ улар бирорта сўз айтишга ботинолмайдилар.

### БУРУНДОРЛАР

ЕВРОПА қитъасидаги мўъжазгина Нидерхофен шаҳарчаси (Германия Федератив жумҳурияти)даги бир клуб ғалатилиги билан жаҳонга танилган деса бўлади. Мазкур шаҳарчадаги «Бурундорлар клуби»га фақат катта бурунлилар аъзо бўлишади. Бу ғаройиб клубнинг президенти ниҳоятда катта бурун соҳибидир, унинг бурунмисан-бурунининг узунлиги 7,5 сантиметр, эни эса нақ 4,5 сантиметр келади. Умуман катта бурунлилар борасида сўз кетар экан, англиялик Томас Веддерни эслаб ўтмасдан бўлмайди. Бу шахснинг мўъжиза-бурни яхшилаб ўлчаб кўрилган пайтда 19 сантиметр келганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор.

### ИСМ ҚЎЙИБ, ПУЛНИ ОЛАВЕРИНГ

ҒАРБИЙ Германиянинг Эфринген шаҳрида анчадан бери «Фрицлар клуби» мавжуд бўлиб, бу уюшмага фақат шу ном билан аталувчи кишиларгина аъзо бўлишади. Унинг мақомида қуйидаги тартиб қайд этилади: дунёга илк бор келган ҳар бир гўдакнинг оти Фриц деб номланса, клуб жамиятидан 100 марка миқдорида мукофот олади.

### ФАРОМУШХОТИРЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ТЎҒРИСИНИ айтганда, айрим кишилар тирикчилик ташвишида ёхуд тараллабедодлик натижасида муҳим саналарни, ҳатто байрам кунларини эсдан чиқариб юборишлари мумкин. Буни қаранг, Франциянинг пойтахтида 1977 йилда фаромушхотир эрларни бирлаштирадиган клуб ташкил этилган. Бунга аъзо бўлган эрлар одатда тез-тез хотирадан чиқариш дардига мубтало бўлган ёки ўзларининг эсларига унчалик ишонмайдиганлардир. Клубнинг хосиятини қарангки, мазкур уюшмадагилар бир-бирларининг оилавий байрамлари, айниқса хотинларининг туғилган куни, шунингдек, никоҳ саналарининг вақтидан бохабар қилиб турадилар.

**Маннон НАБИЕВ тайёрлаган.**

## ИЖОДИЙ УЮШМА

**ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА янги ташкил топган ижодий уюшмалардан бири «Бешинчи студия» деб номланади.** «Ўзбекфильм» ҳузурида жўшқин фаолият кўрсатаётган мазкур ижодий жамоа талайгина истеъдодли киносанъаткорларни ўз атрофига бирлаштирган.

Илҳомбахш қалб эгаси, изланувчан кинорежиссёр М. Муқимов ана шундай умидли ёшлардан бири ҳисобланади. У яқинда ҳозирги ёшлар ҳаётига бағишланган «Сени излайман» деб аталган янги бадиий фильмни тугаллади.

Экран асари воқеаларига алоҳида мазмун ва жозиба бахш этишда фильмни тасвирловчи Т. Мансуровнинг хизматлари катта бўлди.

**Аҳмад ВАЛИЕВ.**

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

